

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси

№ 06/04-01-32/122

№ 15/2- 01436

2020 йил «17» январь

Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар
давлат солиқ бошқармаларига

“Ўзбекконцерт” давлат
муассасасига

**Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар
даромадларини декларация асосида тақдим этишлари бўйича
тушунтириш.**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2020 йил 1 январдан бошлаб янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси қабул қилинганлиги муносабати билан ўтказилган семинарларда солиқ тўловчилардан келиб тушган саволлар юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан **концерт-томоша фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун олинадиган давлат божининг миқдори ўртача 4 баравар камайтирилди.**

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида назарда тутилган **имтиёзлар 2020 йилнинг 1 апрелига қадар амал қилади.**

2020 йил 1 январдан бошлаб лицензия олган ҳолда **концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар агар:**

юридик шахс билан тузилган меҳнат шартномаси асосида фаолият кўрсатса, **ойлик иш ҳақидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўлайди (СК 377-моддаси 15-банди);**

жисмоний шахс сифатида фаолият кўрсатса олган даромадидан **декларация асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда ижтимоий солиқ тўлайди (СК 393-моддаси 1-қисми).**

Шунга асосан, жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқ тўлайдиган солиқ тўловчилар даромадларни олиш билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиши шарт ҳамда фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳақиқатда амалга оширилган ва хужжатлар билан тасдиқланган харажатларни **даромаддан чегириб ташлаш ҳуқуқига эга.** Шу билан бирга даромадлари таркибидан **фаолияти юзасидан тўланган давлат божи ва ижтимоий солиқ суммаларини ҳам чегиради.**

Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар йил давомида олган даромадлари тўғрисида декларацияни, доимий яшаш жойидаги солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади ва ҳисобланган даромад солиғини 1 июнига қадар тўлаб беради.

Қўшимча равишда маълум қилинадикки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Давлат солиқ қўмитаси томонидан декларация асосида солиқ тўлайдиган солиқ тўловчилар даромадларни олиш билан боғлиқ бўлган чегириладиган харажатлар бўйича тартиб ишлаб чиқилади.

Мазкур тартибда Ўзбекконцерт давлат муассасаси билан келишган ҳолда концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг фаолиятлари билан боғлиқ барча харажатлар инобатга олинади.

Вазир ўринбосари


Д. Султанов

Раис ўринбосари


Ф. Умаров